

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КИСТАУБАЕВ САВЛАБЕК УСМАНОВИЧ

**ШАХС ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

УДК:113/119(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Кистаубаев Савлабек Усманович

Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг
роли.....

Кистаубаев Савлабек Усманович

Роль национальных ценностей в формировании экологического
мировоззрения личности.....

Kistaubayev Savlabek Usmanovich

The role of national values on forming person's ecological world outlook.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ.....

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КИСТАУБАЕВ САВЛАБЕК УСМАНОВИЧ

**ШАХС ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Fal132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамашокиров Саидмурод**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Саломова Ҳакима Юсуповна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳукумов Абдуҳалим
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Самадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, доцент

Қ.Н.Назаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда экологик дунёқарашни шакллантириш нафақат глобал муаммоларнинг олдини олувчи омил, айти пайтда экологик хавфсизликни таъминловчи восита, экологик маданиятни юксалтириш усули сифатида тан олинган. Инсоният кадриятларининг кадрсизланиши муаммоси экологик муаммолар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиб, уларнинг ечими инсон онги, тафаккури, ақл-идроки, интеллектуал салоҳияти ва бир бутун кадриятлар архитектураси иштирокида содир бўлади. Шу боис шахс экологик дунёқарашининг кадриятли жихатларини ривожлантириш ва миллий экологик кадриятларнинг объектив ва субъектив омилларини, имкониятларини тадқиқ этиш ижтимоий-гуманитар масалага айланган.

Дунё маънавий тарғибот тизимида шахс экологик дунёқарашни генезиси, ретроспектив асослари ва тарихий тараққиётининг диний-теологик ва илмий-фалсафий илдизларини, кишилар экологик тафаккури, билими, маънавий-интеллектуал савияси билан боғлиқ объектив қонуниятларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Экологик дунёқараш миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган онтологик воқелик, гносеологик жараёнларнинг фалсафий таҳлили табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларини объектив билиш ва инсониятнинг адекват фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи янгича методологик ёндошувларни ишлаб чиқиш имконини беради. Шунинг учун шахс экологик дунёқарашни шаклланишида: экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккур муҳим субъектив омиллар бўлиб, уларни миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар билан алоқадорлик нуқтаи назаридан норматив-аксиологик томонларини фундаментал тарзда тадқиқ этишни, миллий кадриятларнинг фалсафий-методологик асосларини, гносеологик имкониятларини замонавий фан парадигмалари асосида ўрганишни долзарб қилиб қўймоқда.

Мамлакатимизда экологик дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий институтлар, махсус экологик ҳаракатлар фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида қаралмоқда. Республикаимизда экологик вазиятни соғломлаштириш ва шахс экологик дунёқарашини илмий-педагогик комплексни шакллантириш масалалари кун тартибига қўйилган. «...Бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин»¹. Шунинг учун юртимизда шахс экологик дунёқарашни ва миллий кадриятлар ўртасидаги диалектик алоқадорликни илмий тадқиқ этиш, халқаро илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала қилиб белгиланган.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 570-б.

Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 5024-сон Фармони (2017 йил), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07/02-08-1-сонли «Маданий-маърифий ва тарғибот ишларини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси» (2016)ни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик дунёқараш шаклланишини ўрганишнинг умумфалсафий масалалари, примитив-содда бўлишига қарамай: қадимий афсона, ривоят, асотир, эртақ, масал, кўшиқ, достонлар ва бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарида ўз ифодасини топган. Кейинчалик тарихий ёзма манба «Авесто»да улар нисбатан системалашган. Шунингдек, ислом дини манбалари «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси шаъриф»даги илоҳий ўғит ва ақидалар экологик дунёқараш тадқиқотининг маънавий илдизларини, манбаларини ташкил қилади.

Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлар ва давлат арбоблари бу масалаларга ўзига хос тарзда ёндашганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Исмоил Ал-Бухорий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Дониш ва бошқаларнинг, кейинчалик эса жаҳид маърифатпарварлари қолдирган бой илмий меросда ҳам бу масалалар ўз аксини топган.

Ғарб олимларидан К.Юнг, Д.Фейдимен, Г.Фрейгер тадқиқотларида инсон шахси табиатини борлиқ билан, атроф-муҳит билан боғлиқлиги, шахснинг ижтимоий фаоллигини табиий-экологик жараёнлар билан алоқадорлиги масалалари таҳлил қилинган, табиий муҳитнинг инсон ҳаёти мазмунига таъсир этувчи омиллари В.Франкл, Э.Эриксон изланишларида кўзга ташланади. Экологик муҳитнинг инсон турмуш-тарзи, саломатлигига таъсири, унинг ижтимоий оқибатлари каби масалалар МДХ олимлари И.Л.Андреев, Л.Н.Гумилёв, Л.Н.Коган, Н.Моисеев, Н.И. Кукова, Т.А. Акимов, В.В.Хоскин, И.Т.Суравегин, А.А.Мелкумова, П.И.Любарский, Б.А.Афаносьев ва А.В.Яблоков¹лар томонидан ҳам жиддий ўрганилган.

Экологик дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли, экологик муносабат ва онгнинг

¹ Андреев И.Л. Происхождение человека и общества. – М.: 1998; Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – Ленинград: 1990; Коган Л.Н. Цель и смысл человека. – М.: 1991; Моисеев Н. Человек и ноосфера – М.: 1991; Суравегин И.Т. Основы общей экология. – М.: МДС, 1998; Мелкумова А.А., Любарский П.И., Основы экологии. –М.: 1975. Афаносьев Б.А. Мониторинг и метод контроля окружающей среды. – М.: 1998; Коган Л.Н. Цель и смысл человека. –М.: 1991; Яблоков А.В. Ядовитая природа.–М.: 1990.

ижтимоий-тарихий жараёнлар билан алоқадорлиги, уларнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари: З.Абдуллаев, С.Мамашокиров, Х.Ю.Саломова, А.Қ.Бердимуродова, Э.Хошимова, Х.Исамухамедов, А.Ахмедов¹ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Экологик онгнинг шахс дунёқараши таркибий қисми сифатида шаклланишига таъсири, экологик маданият тушунчасининг таркиби ва функцияларига оид жиҳатлар Ш.Л.Махмудова, В.О.Левинская, У.Г.Саидова, Н.Ш.Бозорова, Э.Ж.Икромов, А.А.Хотамов, С.Х.Худойназаров, М.Алиев, Р.Маматқуловларнинг илмий ишларида ёритилган.

Табиий атроф-муҳит ва экологик жараёнларнинг ишлаб чиқаришга, инсонлар турмуш шароитига, соғлом турмуш тарзи шаклланишига таъсири масалалари: Ю.Шодиметов, А.Чориев, М.Эшматов, С.Мустафоев, С.Ўроқов, Р.Сувонов, А.Эргашев ва Т.Эргашев, Н.Ниёзова, А.Рафиқов, Н.Абирқулов ва А.Ҳожиматовларнинг изланишларида нисбатан батафсил ўрганилган.

Соғлом оилавий турмуш тарзининг шахс экологик дунёқарашига, феъл-атворида, ижтимоий-маънавий қиёфасига таъсири, соғлом турмуш тарзини шахс кундалик ҳаётига сингдиришда валеологиянинг миллий қадриятлар билан боғлиқ томонлари: Б.Зиёмухаммедов, Б.Очилова, М.Холматова, Х.Шайхова²ларнинг илмий изланишларида таҳлил этилган.

Юқорида тилга олинган тадқиқотларда экологик борлиқнинг инсон саломатлигига, соғлом, жисмонан бақувват наслни тарбиялашга, соғлом турмуш тарзини шаклланишига таъсирининг муайян томонлари тадқиқ этилиб, бугунги глобаллашув шароитида шахс экологик дунёқарашини юксалтириш хусусиятлари, имкониятлари махсус тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, ҳозирги давр реаллиги шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли ва аҳамиятини фундаментал тадқиқ этиш борасида жиддий илмий изланишлар олиб борилишини талаб этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳозирги замон жамияти ва фанининг фалсафий методологик муоммалари» номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахс экологик дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш тенденциясини

¹Абдуллаев З. Экологическое отношение и экологическое сознание. –Тошкент: Ўзбекистон, 1990; Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. Тошкент: Молия-иқтисод, 2012; Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология асослари. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2004; Бердимуродова А.К. Философско-методологический анализ современного экологического ситуации на пороге XXI века. –Тошкент: Фан, 1999; Хошимова Э.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар диалектикаси. –Тошкент: Фан, 1986; Исамухамедов Х. Мамашокиров С. Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. –Тошкент: 1999; Ахмедов А.А. Экологик назорат: назария, методология ва амалиёт. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2017;

² Зиёмухаммедова Б. Экология ва маънавият. –Тошкент: Шарқ, 1997; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. Тошкент: Истиклол, 2009; Шайхова Х., Тиллаева Г. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолати. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008.

белгилайдиган объектив ва субъектив омилларнинг мақомини, функционал аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

экологик дунёқарашнинг ижтимоий-тарихий, фалсафий-диний, маънавий-ахлоқий, ретроспектив асосларини аниқлаш;

экологик дунёқараш тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва моҳиятидаги ўзгаришларини таққослаб чиқиш;

экологик дунёқараш парадигмаларидаги ўзгариш тенденцияларни ва истиқболларини кўрсатиб бериш;

экологик дунёқарашни шакллантирувчи институционал тизим элементларининг функционал алоқадорлигини асослаш;

мамлакатимизда ёш авлод онгига экологик қадриятларни сингдириш ва мустақамлашда оилавий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги қарашларни такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида экологик дунёқарашнинг ижтимоий ходиса сифатида шаклланиши, қадриятлилик даражаси ва такомиллашиш хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети шахс экологик дунёқарашни шаклланишига таъсир этувчи миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мақоми, роли, аҳамияти ва имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тарихийлик-мантиқийлик, объективлик, индукция, дедукция, анализ-синтез, таққослаш ва умумлаштириш, комплекс-системали ёндашув, қиёсий таҳлил ва бошқа фалсафий билиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маънавий-маданий қадриятлар тизимидаги тарихий, гносеологик ва ижтимоий-амалий манбаларнинг педагогик асосларини яратилиши шахс экологик дунёқарашда дахлдорлик ҳиссини шаклланишига олиб келиши асосланган;

шахс экологик дунёқарашининг экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккур каби субъектив омилларини норматив-аксиологик регламентлаш назарий-методологик аҳамиятга эгаллиги асосланган;

шахс экологик дунёқарашни ва миллий қадриятларнинг симбиозлашуви жамият маънавий-маданий тараққиётида устувор аҳамиятга эга бўлиб, ўзаро умумий ва хусусий, расмий ва норасмий, анъанавий ва ноанъанавий институтлар тизими орқали ривожланиб келаётгани аниқланган;

шахс экологик дунёқарашини ривожлантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий институтлар фаолиятининг назарий-методологик, гносеологик-праксиологик, маъмурий-ҳуқуқий, ташкилий-структуравий асосларини яратиш зарурлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

жамият тараққиётида экологик дунёқарашни шакллантирувчи институтлар фаолиятини интеграциялаштиришнинг ролини оширишга доир назарий хулосалар умумлаштирилган ҳамда халқаро тажрибалар миллий воқелик контекстида конкретлаштирилган;

«Экологик дунёқараш» феноменининг объекти ва субъекти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, мутасадди институтлари фаолияти самарадорлигини оширишга доир прагматик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ишнинг натижаларидан давлат органлари ва соҳага доир ташкилотлар дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

шахс экологик дунёқарашни шаклланишига таъсир килувчи миллий кадриятлардан таълим-тарбия ва ижтимоий амалиётда кенг фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан жумладан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси», «Экологик ҳаракат»нинг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса, таклиф, тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Жамят маънавий кадриятлари таркибида экологик дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш қонуниятларини ўрганишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, мафкуравий таълимотларга методологик асос бўлиш имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экологик дунёқарашни ривожлантиришга мутасадди институтлар фаолиятини функционал интеграциялаштириш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий кадриятларнинг ўрнини тадқиқ қилиш асосида:

маънавий-маданий кадриятлар тизимидаги тарихий, гносеологик ва ижтимоий-амалий манбаларнинг ёшлар экологик дунёқарашда дахлдорлик ҳиссини шаклланишига доир хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Кенгашининг 2017-2018 йилларга мўлжалланган иш режасини ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 1 ноябрдаги 04-13/5686-сон маълумотномаси). Натижада илмий хулоса ва амалий тавсияларнинг қўлланилиши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг маънавий-маданий салоҳиятини кўтарилишига ҳамда ёшларда табиатга оқилона экологик ижтимоий муносабатни, масъуллик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилган;

шахс экологик дунёқарашининг экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккур каби субъектив омилларини норматив-аксиологик регламентлаш назарий-методологиясига оид илмий далиллар ва амалий натижаларидан «Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи»нинг 2018 йил учун йиллик режаси II.17. бандида кўзда тутилган «Илмий ходимлар томонидан белгиланган мавзу бўйича илмий мақолалар, катологлар, буклетлар,

қўлланмалар, монографиялар ва бошқа нашрларни тайёрлаш»да фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-11-08-7729 - сон маълумотномаси). Натижада шахс экологик дунёқараши шаклланишида миллий тажриба, миллий қадрият ва умуминсоний ижтимоий-тарихий мероснинг фалсафий илдизлари уларнинг универсал характери ҳақида илмий ходимларда назарий билимларининг ортишига самарали таъсир қилган;

шахс экологик дунёқараши ва миллий қадриятларнинг симбиозлашуви жамият маънавий-маданий тараққиётида устувор аҳамиятга эга бўлиб, ўзаро умумий ва хусусий, расмий ва норасмий, анъанавий ва ноанъанавий институтлар тизими орқали ривожланишига оид назарий хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг И-2016-1-33 «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасини амалга оширишда ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг «2018 йилдаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури»нинг бажарилишида фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 29 декабрдаги 02/09-1343-18-сон маълумотномаси). Натижада миллий экологик қадриятлар бўйича илгари сурилган илмий-назарий ғоялар тадбирларни савиясини оширишга, ёшларда экологияга доир аксиологик муносабатни шаклланишига амалий кўмак берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та, жумладан, 4 та халқаро ва 15 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, етти параграфни ўз ичига олган уч боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Шахс экологик дунёқараш шаклланишининг назарий-методологик масалалари**» деб номланган бўлиб, у икки қисмдан иборат. Ушбу бобнинг «Экологик дунёқараш шаклланишининг тарихий-ретроспектив асослари» деб номланган биринчи параграфда бугунги кунда республикамизда вужудга келган экологик вазиятни соғломлаштиришда экологик дунёқараш генезисини, ижтимоий-тарихий асосларининг шахс маънавий ҳаёти, миллий ва умуминсоний кадриятлар билан боғлиқлиги ва тадрижий ривожланиш қонуниятларини ўрганиш долзарб вазифа эканлиги таъкидланган.

Айни пайтда тадқиқотда шахснинг экологик тафаккур тарзи яшаб турган минтақанинг табиий-географик иқлими, шарт-шароити, у мансуб бўлган миллат ёки халқнинг менталитети, турмуш мароми, тарихи, урф-одати, эътиқоди, дунёқараш билан узвий боғлиқлиги асослаб берилган. Шу билан бирга ишда қадимги аجدодларимиз, бир томондан, инсоннинг табиатга қарамлигини эътироф этишган ва уни илоҳийлаштиришган. Иккинчи томондан, динларнинг муқаддас китобларида Ер Аллоҳ томонидан яратилганлиги ва инсон унинг хўжаси эканлигига ишора қилувчи кўплаб таъкидлар мавжуд эканлиги қайд қилинган. Ҳозирги кишилар экологик онги даражасини, экологик дунёқараш характери яхшироқ тушуниш учун, уларнинг ривожланиш жараёнида қандай босқичлардан ўтганлигини, турли даврларнинг экологик дунёқараш қандай характерда бўлганлигини англаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга. Шу боис социогенез жараёнида инсон экологик онги ва дунёқараш қандай тараққиёт босқичлардан ўтганлиги ушбу бўлимда қисқача таҳлил қилинган. Бу босқичларнинг умумий хусусиятлари ва индивидуаллиги инсоннинг табиатдан «бегоналашуви» ва «экологик маргиналлашувида»¹ намоён бўлиб, экологик дунёқараш характери белгилаган ва тарихий ривожланиш жараёнини хронологик туркумлаштиришга асос ҳисобланади.

Бобнинг «Экологик дунёқараш тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари» деб номланган иккинчи параграфда экологик дунёқарашнинг фалсафий ва бошқа дунёқараш шакллари билан синтезлашган тарзда намоён бўлиши, унинг асосий объекти экологик борлиқ бўлганлиги боис, унинг шаклланиши ва такомиллашув жараёни субъектив омил бўлган экологик онг даражаси билан боғлиқ эканлиги тавсифланган.

Мазкур бўлимнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бунда экологик онгнинг даражалари, экологик муносабатларнинг хусусиятлари ва уларнинг ривожланиш динамикаси алоҳида ажратиб кўрсатилган. Шу билан бирга, тадқиқотда экологик дунёқараш кишиларнинг атроф-муҳитга фаол таъсирига нисбатан орқада қолаётганлигига алоҳида урғу берилган.

Юқоридаги фикр мантиғидан шундай хулоса келиб чиқадики, экологик дунёқарашнинг тағ-заминларидан бири – шахснинг борлиқ, табиат ва жонзотларга нисбатан ахлоқий масъуллиги ҳисобланади. Экологик дунёқарашнинг иккинчи муҳим компоненти шахс экологик руҳияти бўлиб,

¹ Қаранг: Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. – Тошкент.: Иқтисод-молия, 2012. 114- б.

унинг ифодасини инсоннинг табиатга бўлган меҳри, ҳис-туйғуларида кўриш мумкин. Шунга кўра, шахс дунёқарашини экологик муаммолар контекстида олиб қарасак: шахс – табиий-ижтимоий жараёнлар натижасида вужудга келган экологик вазият маҳсули бўлиб, экологик-ижтимоий муносабатларга, цивилизацияларнинг ўзаро уйғунлигига илмий дунёқараш асосида таъсир кўрсатадиган, ўзида табиий-физиологик, психологик, ирсий ва ижтимоий таъсирлар эволюциясини мужассамлаштирган индивиддир.

Ушбу фикр мантиғидан келиб чиқиб, тадқиқотда шахс ижтимоий мақомини белгилайдиган мезонлар тизимида унинг экологик дунёқараш алоҳида ўринга эга деган умумназарий хулосага келинган. Зеро, ҳозирги замон глобал муаммолари таркибида экологик муаммоларнинг устуворлашуви шахс мақомига айнан шу нуқтаи назардан ёндашишни тақозо қилмоқда.

Ушбу бўлимда таъкидланганидек, экологик дунёқараш тузилиши ва унинг таркиб топиши мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур соҳада илмий изланишлар олиб борган республикамиз олимлари қарашларида ҳам бир-биридан фарқ қилувчи нуқтаи назарлар мавжудлиги фикримизга мантиқий асос бўла олади. Хусусан, Э.С.Ҳошимова қарашларида экологик амалиёт объекти билан боғлиқ масалалар: глобал, регионал ва ҳудудий хусусиятлар билан алоқадорликда олиб қаралади. Муаллиф асосий эътиборни шахсдаги фаол экологик мавқени таркиб топишида таълим-тарбия, хусусан эътиқод, ишончнинг ўрнига қаратган. Унинг фикрича: «Фаол экологик мавқенинг шаклланишида шу йўналишдаги таълим-тарбия соҳаларининг ўзаро боғланиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда экологик тарбия табиатга нисбатан назарий қарашларни шакллантиришдангина иборат бўлмасдан, шу билан бирга эътиқод шаклланишини ва амалий фаолиятга тайёргарликни ҳам назарда тутати»¹.

С.Мамашокиров эса, «экологик фаоллик ва масъулиятнинг мақсадга мувофиқлигига, оптималлигига эришиш учун экологик амалиёт объектини аниқлаб олиш методологик аҳамиятга эга. Чунки экологик практиканинг объекти фақат биосфера экологик мувозанатини сақлашга қаратилган техник-технологик базис муносабатларидан иборат бўлмасдан, балки унинг ўзига хос устқурмасини ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, экологик амалиёт жамият базис ва устқурмасини тубдан ўзгартиришга (айниқса, сиёсий инқилоблар билан) зарурият йўқ, балки фаол экологик практикага халақит берадиган устқурма унсурларини баратараф этишлари керак»², деб ёзади. Бу концептуал ёндашувлар экологик амалиётнинг нафақат табиий, моддий асослари, балки кишиларнинг экологик дунёқарашларига замин бўладиган маънавий-маърифий асослари ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Умуман, экологик дунёқараш ҳар бир давр тақозоси, табиий муҳит, ижтимоий воқеалар, глобал ҳодисалар таъсирида мунтазам ўзгариб, янгиланиб борувчи ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, кенг маънода: экологик дунёқараш бу – инсонни табиатдаги ўзгаришларнинг табиий, ижтимоий ва техноген омилларини моҳиятан англаш, баҳолаш ҳамда

¹ Ҳошимова Э.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар. – Тошкент.: Фан, 1986, 36- б.

²Мамашокиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. – Тошкент.: Фан, 2009. 78- б.

оқибатларини олдиндан ҳис қила билишини: ғояларда, назарияларда, таълимотларда ифодалаб, глобал табиий ва антропоген ўзгаришларга мослашишга йўналтирилган интеллектуал салоҳиятининг мажмуидир,- деб таърифланиши мумкин.

Шундай қилиб, инсоннинг интеллектуал салоҳиятининг муҳим жиҳати бўлган экологик дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берилган талқинларини таҳлил қилиш, қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

биринчидан, экологик дунёқараш тарихидаги маънавий-маданий меросни ижодий ривожлантириш, улар ўртасидаги ворислик муносабатларини таҳлил этиш ҳозирги давр экологик дунёқарашини шакллантириб, кескинлашаётган ва глобаллашаётган экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омилига айланмоқда;

иккинчидан, турли тарихий даврларда шахс экологик дунёқарашни шаклланиши объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари: афсонавий, диний мазмундаги ғоялари синтезлашуви замонавий экологик дунёқарашни шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади.

Диссертациянинг «**Глобал экологик муаммолар кескинлашаётган даврда шахс дунёқарашни, миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар**» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат. Мазкур бобнинг биринчи параграфи «Маънавий қадриятлар тизимида экологик дунёқарашнинг мақоми, ўрни ва роли» деб номланади. Диссертациянинг ушбу қисмида ҳар қандай жамият маънавий асосларини ривожлантирмасдан, миллий-маънавий қадриятларига таянмасдан, одамлар онгида: маърифий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, экологик қадриятларни шакллантирмасдан ўз келажагини таъминлай олмаслиги асослаб берилган. Зеро, ҳар қандай тарихий даврда «маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ўз ичига олиши лозим»¹. Бу муносабатлар диалектикаси, шахс экологик сифатларини шунчаки кун тартибига қўйиш билан эмас, балки инсонда табиатни муҳофаза қилиш ҳис-туйғуларини тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, бу соҳадаги амалий тажрибаларини чуқурлаштиришга боғлиқ деган хулосага келинган.

Тарихдан маълумки, қадимги Шарқ цивилизацияларида амал қилувчи қадриятлар тизими минг йиллар мобайнида нисбатан турғун сақланган. Бунинг устига уларда диний мотивлар доминантлик қилган. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Хитой фалсафий таълимотларида анимизм устувор аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳолатлар қадимги дунёда таркиб топган табиат олдида сажда қилиш, унинг нарса ва ҳодисаларини олий қадрият деб тан олиш ва шунга мувофиқ муносабатни сақлаб қолган. Капиталистик муносабатлар табиатни утилитар қадриятга айлантирди, унга фақат меркантил муносабатни тиклади ва табиат жуда кучли антропоген таъсирни бошдан кечири бошлади. Ҳозирги аянчли вазият экологик маданият инқирози билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тадқиқотда асослаб берилган.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999. 530-531- б.

Ушбу бобнинг «Миллий ва умуминсоний кадриятларда экологик дунёқарашнинг намоён бўлиш хусусиятлари» деб номланган иккинчи параграфда экологик маданият элементлари ҳисобланган: экологик билимлар, кўникма ва малакалар, эътиқод ва қарашлар, ҳар бир шахснинг табиий муҳитдаги фаолиятини бошқариб турувчи экологик онг ва дунёқарашини бойитишда, энг аввало, маҳаллий даражада миллий кадриятларга таяниши зарурлиги, уларнинг умуминсоний кадриятга оид хусусиятлари илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

Ушбу бўлимда таъкидланганидек, кейинги пайтда тадқиқотчилар томонидан миллий ва умуминсоний кадриятлар масаласининг экологик жиҳатлари кўриб чиқиладиган бўлди. Бу йўналишда бир-биридан фарқ қилувчи икки қарама-қарши ёндашув мавжуд. *Биринчиси*, уларнинг ҳар иккиси реал ҳаётда мавжудлигини, бир-бирини тўлдириб, ривожлантириб туришини тан олади. *Иккинчиси*, аксинча, реал ҳаётда фақат миллий кадриятлар мавжуд, умуминсоний кадриятлар реал мавжуд эмас, улар инсон онгининг маҳсули, турли-туман миллий кадриятлардаги умумийликнинг мавҳум даражада умумлаштирилиши деган фикрни олға суришади. Бу ёндашувларнинг аргументлари батафсил таҳлил қилиниб, муаллиф биринчи ёндашувга мансублигини таъкидлаган.

Шуни эътироф этиш керакки, «бугунги кунда одамларда экологик билимларнинг етарли эмаслиги, баъзиларда умуман йўқлиги билиниб қолмоқда. Кўпчилик экологик муаммолар мавжудлигидан хабардор, баъзилар кечиктириб бўлмас қарорлар қабул қилиш кераклигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида туб бурилиш зарурлигини талаб қилишса, бошқа тоифадаги одамлар буни кераги йўқ деб ўйлашади»¹. Айнан шу масалада экологик дунёқарашнинг функционал аҳамияти кўзга ташланади. Яъни, турли-туман одамларнинг, ижтимоий бирликларнинг мақсадлари умумийлиги кадриятлар умумийлигини таъминлайди. Ижтимоий тажриба натижаси сифатида вужудга келган экологик дунёқараш амалдаги маънавий-ахлоқий нормаларни, хатти-ҳаракатларни, ҳуқуқий қонун-қоидаларни, регламентлаштиради, яъни, кишиларнинг: билиш, баҳолаш ва амалий фаолиятидаги мўлжал йўналишларини ташкиллаштириш, бошқариш фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Бобнинг «Экологик дунёқараш парадигмаларининг ўзгариш қонуниятлари ва тенденциялари» деб номланган учинчи параграфда ҳозирги даврдаги глобал ўзгаришлар экологик дунёқараш парадигмаларини ўзгартириб, атроф-муҳитга таъсир қилишнинг умумий йўналишларини, характерини ва ривожланиш тенденцияларини белгилаб бераётганлиги илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

Мазкур параграфда экологик дунёқараш парадигмаларининг ўзгаришларини ва кадрият мақомини мустаҳкамлашга доир яна бир масалага ойдинлик киритилган, яъни, эстетик онг ва экологик дунёқарашнинг асоси бўлган баъзи маросим ва миллий кадриятларга муносабатдаги зиддиятли, бир-бирига қарама-қарши ёндашувлар ҳолис таҳлил этилиб уларга илмий

¹ Ашрапов М. Экологик дунёқараш. // "Ўзбекистон экология хабарномаси" 2005, №3, (54), 29- б.

асосланган фактлар асосида баҳо берилган. Айниқса, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни сунъий тарзда киритилаётган элементлардан сақлаш масаласига эътибор қаратилган.

Ушбу бобда қуйидаги хулосаларга келинган:

биринчидан, маънавий-маданий қадриятлар тизимидаги экологик дунёқарашга дахлдор тарихий, гносеологик ва ижтимоий-амалий манбаларни шахс экологик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилиши муҳим методологик аҳамиятга эга;

иккинчидан, ҳозирги даврдаги глобал ўзгаришлар экологик дунёқараш парадигмаларини ўзгартириб, атроф-муҳитга таъсир қилишнинг умумий йўналишларини, характерини ва ривожланиш тенденцияларини белгилаб бермоқда;

учинчидан, табиат билан боғлиқ миллий қадриятлар шахс экологик онги ва дунёқарашига таъсири эволюцияси, унинг ривожланиш босқичлари ўртасида ворислик муносабатларини намоён қилиб, ижодий ривожлантириш натижаси ҳисобланади;

тўртинчидан, экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва кескинлашуви жараёнида миллий ва умуминсоний экологик қадриятлар идентификациялашиб ва дифференциаллашиб боради ва ўз таъсир йўналишларини конкретлаштиради.

Диссертациянинг сўнги учинчи боби «**Экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг усул ва воситалари**» деб номланади. Ушбу бобнинг «Экологик дунёқарашни шакллантиришнинг институционал тизимини такомиллаштириш масалалари» деб номланган биринчи бобида шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда институционал тизимлар фаолияти фалсафий таҳлил қилинган.

Тадиқотда экологик муаммолар ечимига йўналтирилган дунёқараш шаклланиши ва ривожланиши асрлар давомида бир-бири билан боғлиқ турли-туман расмий ва норасмий, анъанавий ва ноанъанавий институционал тизимлар орқали амалга ошириб келингани таъкидланган. Шу билан бирга ушбу бўлимда экологик вазият умумпланетар масштабда кескинлашиб кетаётган ҳозирги шароитда табиатни муҳофаза қилишга мутасадди давлат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар, одамларни тарбиялашга масъул институтлар фаолиятини оқилона мувофиқлаштиришнинг ўзига хос тизими ишлаб чиқилган. Зеро, уларнинг самарадорлиги инсон ва жамият экологик фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш институтларининг интеграциялашувига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қабул қилинган директив ҳужжатлар, шу институтлар тизими орқали ҳаётга жорий этилади.

Мазкур параграфдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, унда ўзининг экологик вазияти билан жаҳондаги бошқа давлатларга маълум даражада андоза (эталон) бўладиган мамлакатларнинг тажрибалари, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари атроф- муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятларини уйғунлаштириш асосий омил эканлиги асосланган.

Тадқиқотда экологик дунёқараш шаклланишига таъсир ўтказувчи асосий институционал тизимлар сифатида давлат (экологик дунёқарашнинг сиёсий жиҳатлари), меҳнат жамоалари (экологик дунёқарашнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари), оила, таълим тизими, маҳалла, нодавлат ташкилотлар ва ҳоказолар ўзига хос роль ўйнаши таъкидланган. Ушбу институционал тизимлар Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси»да табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиат ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган изчил ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маънавий - маърифий сиёсати фуқароларнинг экологик дунёқарашини ривожлантириш соҳасидаги стратегик мақсадларига эришиш имконини беради деган хулосага келинган.

Бобнинг «Шахсда экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг маънавий-маърифий вазифалари» деб номланган иккинчи параграфда таъкидланганидек, бугунги кунга келиб мураккаб муаммолар ечимида экологик таълим-тарбиянинг ролига эътибор қаратган. Шахс маънавий маданиятининг концентрлашган шакли – экологик дунёқарашининг шаклланиши, *бир томондан*, ҳар қандай тарихий замон ва ижтимоий маконда ментал ҳарактерга эга. Айни пайтда, *иккинчи томондан*, бу индивидуаллик ижтимоийликсиз маънавий маданиятнинг ўзига хос таркибий қисми – экологик дунёқарашда тўла ўз аксини топа олмайди. Шунга кўра, тадқиқотчи шахс экологик онги ва дунёқарашини шакллантиришдаги индивидуаллик ва ижтимоийлик хусусиятларига маърифий омиллар асосида ёндашиш, таълим-тарбияда ҳам ана шу тамойил устуворлигини таъминлаш заруриятини кўрсатиб берган.

Шунинг учун ҳам экологик таълим-тарбия тизимини жамият моддий-иқтисодий, маънавий-маърифий, фан-техника ривожининг реал воқелик талабларидан, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш, инсоният табиий яшаш шароитларини яхшилаш имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим шarti бўлиб қолмоқда. Жумладан, экологик таълим-тарбия ўз мазмун-моҳиятига ва функциясига кўра, барча маънавий-маданият йўналишларини глобал экологик манфаатлар доирасида интеграциялаштиришнинг потенциал имкониятига эга.

Зеро, экологик таълим-тарбия – инсон ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг салбий оқибатларини бартараф этиб, «табиат-жамият-инсон» мажмуаси коэволюцияси ва барқарор тараққиётни таъминлашга, инсоннинг табиат бойликларига онгли муносабатини, табиий атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятини шакллантиришда муқобили бўлмаган йўлдир.

Баён этилган фикрлардан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

биринчидан, одамлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини, хусусан шахс экологик онги ва дунёқарашини замон талаблари даражасида ривожлантириш – инсоният цивилизацияси келажагини таъминлашнинг муҳим шarti эканлиги англаб етмоқда;

иккинчидан, давлатнинг экологик дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиши ва

халқ эътиборини бу йўналишга қаратиши, фуқаролик институтлари олиб бораётган экологик фаолиятга кўшимча импульс беради;

учинчидан, оиланинг шахс экологик дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришда оилавий тарихий анъаналар ва удумларнинг экологик жиҳатларига кўпроқ эътибор беришни ҳаёт зарурияти тақозо қилмоқда.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишида миллий қадриятларнинг шахс экологик дунёқарашини шакллантиришдаги роли тадқиқ этилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Экологик дунёқараш тарихидаги маънавий-маданий меросни ижодий ривожлантириш, кескинлашаётган ва глобаллашаётган экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим субъектив омилига айланмоқда;

2. Шахс экологик дунёқарашини шаклланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таркибида диний қадриятлар, миллий урф-одатлар, анъаналар, ўтмиш мутафаккирларининг илмий ва бадиий ижодий мероси синтезлашуви замонавий экологик дунёқарашини шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади;

3. Миллий экологик дунёқарашнинг умуминсоний қадриятлар билан диалектик уйғунлиги: шахс экологик онги, тафаккури, билими, савиясига боғлиқлиги турли мезонлар билан баҳоланиб, тарихий, гносеологик ва ижтимоий-амалий тажрибаларини шахс экологик маданиятини ривожлантиришга йўналтириш муҳим методологик аҳамиятга эга;

4. Шахс экологик дунёқарашини глобал экологик муаммолар ечимини топишда, табиий атроф муҳит барқарорлигини таъминлашда субъектив омил вазифасини бажаради ва дунё экологик манзарасига мос равишда ўзгариб, миллий хусусиятларини намоён қилади;

5. Экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва кескинлашуви миллий ва умуминсоний экологик қадриятларни идентификациялаштириб ва дифференциаллаштириб ўз таъсир йўналишларини конкретлаштиради ва биосфера ҳамда ижтимоий муҳит мутаносиблигини таъминлашга доир универсал умумназарий ва амалий асослар яратади;

6. Ҳозирги даврдаги глобал ўзгаришлар экологик дунёқараш парадигмаларини ўзгартириб, инсониятнинг экологик фаолияти йўналишларини, характерини ва ривожланиш тенденцияларини шахс экологик онги ва дунёқарашини эволюциясида намоён қилмоқда;

7. Шахс экологик дунёқарашини ривожланиши жараёнида шаклланган ва муайян мақсадга йўналтирилган миллий экологик қадриятларга муносабатда ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаши намоён бўлиб, унинг умумий дунёқарашини мазмун-моҳиятини, халқаро экологик муносабатда ўрни ва мақомини белгилайди;

8. Инсониятнинг ҳаёт тарзи, келажақдаги тақдири, яшаш тамойиллари билан боғлиқ экологик қадрият ва маросимларни шахс дунёқарашига, руҳиятига

сингдириш зарурияти ўтмиш экологик меросидан ижодий фойдаланишни тақозо қилади;

9. Ривожланган мамлакатлар тажрибаларини умумлаштириш ва ижодий фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш мақсадга мувофиқ;

10. Экологик дунёқарашни ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ролини оширишга, экологик ҳаракат ва ташкилотларнинг фаолиятини баҳолашга, жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш зарур;

11. Шахс экологик дунёқарашини ривожлантиришнинг маданий-маърифий тадбирларини ташкил этишда оила институти ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги назарий-методологик хулосалардан қуйидаги амалий тақлиф-тавсиялар келиб чиқади:

1. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари экологик дунёқарашини шакллантиришга дифференциал ёндашган ҳолда, уларни табиат муҳофазасига доир адабиётлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва бошқа ахборот манбалари билан таъминлашни кучайтириш;

2. Таълим тизимида ўқитилаётган фанларни экологиялаштиришни тизимли дастур асосида ташкил қилиб, ҳар бир фан соҳасида экологик дунёқарашни шакллантиришга доир назарий-услубий асосларни, амалий тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш;

3. Экологик таълим-тарбияга мутасадди институтларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш ва узлуксизлигини таъминлайдиган яхлит педагогик-дидактик технологияни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишнинг потенциал имкониятларини қидириб топиш;

4. Ишлаб чиқаришни экологик самарадор технология билан таъминлаш, шу соҳада мутахассислар тайёрлаш ва кадрлар малакасини оширишга мутасадди ташкилотлар фаолиятини аҳолининг экологик фаоллиги ва масъулиятини оширишга йўналтириш;

5. Ижтимоий онг шаклларининг педагогик-дидактик функциясида экологик дунёқарашни ривожлантириш устуворлигини таъминлаш усуллари ва воситаларини такомиллаштиришда халқ педагогикасидан унумли фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КИСТАУБАЕВ САВЛАБЕК УСМАНОВИЧ

**РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.4.PhD/Fal132.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) вложен в веб-сайт Ученого совета (www.samdu.uz) а также в информационно-ресурсный портал «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Мамашокиров Саидмурод**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Саломова Хакима Юсуповна**
доктор философских наук, профессор

Хукумов Абдухалим
кандидат философских наук, доцент.

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ____ часов « ____ » _____ 2019 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019г.
(Протокол № ____ от « ____ » _____ 2019г.)

Б.О.Тураев
председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

А.Самадов
ученый секретарь научного совета, по
присуждению ученых степеней,
кандидат философских наук, доцент

К.Н.Назаров
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней
доктор философских наук, профессор

Введение (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Формирование экологического мировоззрения признано во всем мире фактором не только предотвращающим глобальные проблемы, но в то же время средством обеспечивающим экологическую безопасность, методом повышения экологической культуры. Проблема обесценивания ценностей человечества непосредственно или опосредованно связана с экологическими проблемами, решение которых осуществляется при участии человеческого сознания, мышления, разума и восприятия, интеллектуального потенциала и целостной архитектоники ценностей. Поэтому исследование развития ценностного аспекта экологического мировоззрения личности, а также возможностей объективных и субъективных факторов национальных экологических ценностей превратилось в социально-гуманитарную проблему.

В мировой системе духовной пропаганды актуальным является исследование религиозно-теологических и научно-философских корней генезиса, ретроспективных основ и исторического развития экологического мировоззрения личности, объективных закономерностей, связанных с экологическим мышлением, знаниями, духовно-интеллектуальным уровнем людей. Философский анализ онтологической действительности, гносеологических процессов, основанных на взаимоотношениях национальных и общечеловеческих ценностей в экологическом мировоззрении, позволяет разработать новые методологические подходы, служащие объективному познанию явлений природы, общества и мышления и обеспечения адекватной деятельности человечества. Поэтому в формировании экологического мировоззрения важными субъективными факторами являются экологическое восприятие, представления, понятия и мышление, что делает актуальным фундаментальное изучение их нормативно-аксиологических аспектов с точки зрения их взаимосвязи с национальными и общечеловеческими ценностями, а также философско-методологических основ, гносеологических возможностей национальных ценностей на основе парадигм современной науки.

Развитие деятельности государственных организаций, массовых институтов, специальных экологических движений, уполномоченных формировать и развивать экологическое мировоззрение в стране, вынесено на повестку дня в качестве приоритетной задачи государственной политики. Также на повестку дня стоят задачи оздоровления экологической обстановки в стране и формирования научно-педагогического комплекса экологического мировоззрения личности. «...Такие проблемы невозможно решить только административным путем, этого можно достичь посредством воспитания у молодежи любви к природе, чувства причастности к ней»¹. Поэтому в стране в качестве актуальных задач определены научное исследование диалектической взаимосвязи с между экологическим мировоззрением и

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б-570.

национальными ценностями, осуществление фундаментальных научных исследований в сотрудничестве с международными научно-исследовательскими учреждениями.

Результаты настоящего диссертационного исследования в определенной степени служат выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5024 (2017) «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 07/02-08-1 (2016) «О плане мероприятий по дальнейшему совершенствованию культурно-просветительской и пропагандистской работы» и других нормативно-правовых актах, относящихся к теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Общефилософские проблемы изучения формирования экологического мировоззрения получили отражение несмотря на свою примитивность и простоту в древних легендах, преданиях, мифах, сказках, притчах, песнях, поэмах и других образцах устного народного творчества. В дальнейшем они были относительно систематизированы в таком историческом письменном источнике, как «Авеста». Вместе с тем наставления и основоположения таких источников исламской религии, как Коран и Хадисы, также составляют духовные корни, источники исследования экологического мировоззрения.

Известные мыслители и государственные деятели Центральной Азии своеобразно подходили к этим вопросам. В частности, эти вопросы получили отражение в научном наследии Абу Насра Фараби, Абу Райхана Бируни, Ибн Сины, Юсуфа хос Ходжиба, Исмаила аль-Бухари, Амира Тимура, Алишера Навои, Захириддина Мухаммада Бабура, Суфи Аллаяра, Ахмада Дониша и других, а позднее - в наследии джадидов-просветителей.

В исследованиях таких западных ученых, К.Юнг, Д.Фейдимен, Г.Фрейгер, проанализированы вопросы связи природы личности человека с бытием, окружающей средой, социальной активности личности с природно-экологическими процессами, в исследованиях В.Франкла, Э.Эриксона рассмотрены факторы природной среды, влияющие на содержание жизни человека. Вопросы влияния экологической среды на образ жизни, здоровье человека и их социальных последствий серьезно изучены такими учеными стран СНГ, как И.Л.Андреев, Л.Н.Гумилёв, Л.Н.Коган, Н.Моисеев, Н.И.Кукова, Т.А.Акимов, В.В.Хоскин, И.Т.Суравегин, А.А.Мелкумова, П.И.Любарский, Б.А.Афанасьев, С.В.Белов и А.В.Яблоков¹.

¹ Андреев И.Л. Происхождение человека и общества. – М, 1998; Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – Ленинград, 1990; Коган Л.Н. Цель и смысл человека. – М, 1991; Моисеев Н. Человек и ноосфера – М, 1991; Суравегин И.Т. Основы общей экология. – М.: МДС, 1998; Мелкумова А.А., Любарский П.И., Основы

Роль социально-политических факторов в формировании и развитии экологического мировоззрения, связь экологического отношения и сознания с социально-историческими процессами, их социально-философские проблемы исследованы такими отечественными учеными, как З.Абдуллаев, С.Мамашокиров, Х.Ю.Саломова, А.К.Бердимуродова, Э.Хошимова, Х.Исамухамедов, А.Ахмедов¹ и другими.

